



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2019 йил 16 июль, № 144 (7374)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ, МАНГУ БЎЛ ОМОН!

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ЯНГИ ТИЗИМИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 июль куни узлуксиз профессионал таълим тизимини янада такомиллаштириш масалалари бўйича ййгилиш ўтказди.

Бугунги кунда барча соҳа ва тармоқларда улкан ишлар амалга оширилмоқда. Худудларда янги корхоналар ишга туширилиб, ижтимоий инфратузилма ривожлантирилмоқда. Олдинда яна катта режа ва мақсадлар бор.

Буларнинг барчаси малакали мутахассисларга бўлган талабни оширмоқда. Чунки ҳар бир соҳанинг ривожини, лойиҳаларнинг ижроси етук кадрларга боғлиқ.

Шу боис кейинги йилларда таълим тизими модернизация қилиниб, ўқитишнинг замонавий шакл ва технологиялари жорий этилмоқда. Худудларда янги, шу жумладан, хорижий таълим муассасалари ташкил этилиб, талаб юқори бўлган мутахассислар тайёрлашга шароит яратилмоқда.

Ййгилишда ўрта бўғин мутахассислари ва ишчи касблар бўйича кадрлар тайёрлашнинг самарали тизимини йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди.

Коллежлар негизда профессионал таълим муассасаларининг янги тармоғини шакллантириш вазибаси қўйилди. Ушбу муассасаларда бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрланади. Ўқитиш муддатлари зарур билим, малака ва кўникмаларнинг мураккаблигига қараб турлича бўлади.

Ййгилишда ушбу тизимни жорий қилишдан олдин унинг методологиясини яратиш, таълим дастурларини халқаро талаблар асосида янгидан ишлаб чиқиш, ўқитувчи ва ишлаб чиқариш усталарини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш зарурлиги таъкидланди. Ёшларни касб-хунарга қизиқтириш ва рағбатлантириш бўйича таклиф киритиш юзасидан топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбари янги профессионал таълим тизимини меҳнат бозори талаблари билан уйғунлаштириш масаласига алоҳида тўхталди.

Жойларда ишсизлик кузатилаётган бир пайтда ишчи касблар бўйича мутахассисларга катта эҳтиёж борлиги қайд этилди. Масалан, енгил соноатда 46 минг, қурилишда 104 минг, металлга ишлов бериш бўйича 71 минг, хизмат кўрсатиш соҳасида 67 минг нафар мутахассис етишмаяпти. Бу таълим ва ишлаб чиқариш ўртасида мулоқот ва яқин ҳамкорлик йўқлиги оқибатидир.

Шу боис битирувнинг ишга жойлашиши ёки ўз бизнесини йўлга қўйиши таълим муассасалари фаолиятининг асосий мезони бўлиши кераклиги қайд этилди.

Президент янги профессионал таълим тизими бўйича таклиф этилган чора-тадбирларни янада такомиллаштириш юзасидан кўрсатмалар берди.

Ў.А.



БИЗНИ ҚАНДАЙ КЕЛАЖАК КУТМОҚДА?

Мамлакатимиз жадал олиб борилаётган ислохотлар туфайли дунё сиёсий харитасидан муносиб ўрин эгаллаб бормоқда. Бугун кўпқабатли ахборот порталларининг «нигоҳи» Ўзбекистонга қаратилган. Интернетдаги «қидирув» орқали юборилган миллионлаб сўровларга кўзингиз тўша, жаҳондаги энг илғор давлатлар қаторига кириш мақсадида туб ўзгаришларни амалга ошираётган Ўзбекистонга қизиқиш нақадар кучаяётганига амин бўласиз.

Нигоҳ

Учта сценарийдан қайси бири?

Келажакни олдиндан кўра билиш қобилияти азалдан қадрланган. Чуккур билим ҳамда унга асосланиб тахлил ва башорат қилиш салоҳияти зулматни ёритувчи ёғду сифатида қабул қилинган.

Алломалар айтганидек, келажакка нисбатан чинакам сажийлик, бу — бутун бормимизни бугунги кунга бағишлаш демаскидир. Мазкур сўзлар айни дамда Ўзбекистонда кечаётган жараёнларни аниқ ва тўлиқ ифода этади. Худдики, Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида рўйбга чиқарилаётган ислохотлар метин пойдевор ва унда саховат ҳамда келгуси авлодларга меҳр-оқибат устун бўлгани сингарии...

Хўш, бизни қандай келажак кутмоқда? Яқинда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг экспертлари томонидан демографик прогнозлар ҳақидаги маъруза эълон қилинди. Унда олимлар 2100 йилгача Ер юзида аҳоли сони борасидаги ўзгаришларни башорат қилишди.

Бунда воқеалар бир нечта сценарий асосида ривожланиши мумкин экан. Тахминларга кўра, ноҳуш сценарий бўйича Ўзбекистон аҳолисининг энг кўпайган вақти XXI аср ўрталарига тўғри келиб, 39 миллион нафарни ташкил этаркан, сўнгра аста-секин пасайиш кузатилиб, 2100 йилга бориб 26-27 миллион нафар, яъни ҳозиргидан етти миллион кам инсон қолар экан. Навбатдаги сценарийга кўра, аср охирида ўзбекистонликлар 37 миллион нафарга етади. Ва ниҳоят, воқеалар ривожининг ижобий вариантга биноан, 2057-2058 йилларда Ўзбекистонда 50 миллионга яқин аҳоли яшайди, XXII аср бошида эса кўрсаткич 65 миллион нафарга етади.



«Моддий имкониятларимиз янада кенгайди»

Президентимизнинг яқинда эълон қилинган «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармонини юртдошларимиз мамнуният билан кутиб олди. Буни уларнинг қуйидаги самимий дил сўзлари ҳам тасдиқлайди.

Муносабат

Барно НУРУЛЛАЕВА, Урганч шаҳридаги 21-мактабгача таълим муассасаси ҳамшираси:

— Юртимизда тиббиёт ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиши янада кучайтириш ва самарали меҳнат қилиши учун муносиб шароит яратиш мақсадида ойлик маошимиз босқинча-босқинч ошириб боришмоқда. Масалан, соҳа ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш миқдори 2018 йил 1 декабрда 1,2 баравар, 2019 йил 1 апрелда 1,15 баравар оширилди. Буни қарангки, энди бу Фармон чиқди. Унга кўра, шу йилнинг 1 августидан бюджет ташкилотлари ходимлари маоши 1,1 баробар оширилиши оилаларнинг иқтисодини янада яхшилаш ва харид қобилиятини мустаҳкамлаш имконини беради. Бинобарин, Урганч шаҳрида барпо этилаётган кўп қаватли арзон уйлاردан 3 хоналисини кредит ҳисобига олаётгандик. Маошимиз кўпайиши кредитни ўз муддатида тўлашимизда катта молиявий мадад бўлади.

Шарофатхон РАСУЛОВА, меҳнат фахрийси (Андижон шаҳри):

— Мазкур ҳужжат мамлакатимизда инсонпарварлик тамойиллари ҳар доим устувор бўлиб келаётганлигининг яна бир ёрқин ифодаси бўлди. Агар ўзимдан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, шу кунгача 1 миллион 332 минг сўм нафақа олаётгандим. Шунинг ўзи билан ҳам ижтимоий ҳолатимиз яхши бўлиб келган. Пенсиямизнинг оширилиши эвазига энди маълум қисми ортиб ҳам қоладиган бўлди. Бу пулни набираларимга сарфлайман: қалам-ручка, китоб-дафтар, деганларидек. Бу, албатта, ҳар биримиз учун ёқимли хушхабар, десам, муболага эмас.

Файзулла ХОЖИЕВ, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, I гуруҳ ногирони (Бухоро тумани):

— Бухоро шаҳридаги «Ситораи Моҳи Хосса» санаторийсига беғул дам олиб, саломатлигимни тиклаб қайтдим. Уйга келсам, невараларим: «Бобожон, пенсиянгиз ошди», дейишди. Қаранг, қандай ажайиб замонда яшаймиз. Юртимиз тинч, дастур-хонимиз тўкин. Эл-юртнинг, давлатимизнинг ардоғидамиз. Ҳеч қимдан камимиз йўқ. Айтмоқчи, невараларга суюнчини тайёрлаб қўйдим. Фақат бир шарт бор: энг кўп китоб ўқигани суюнчининг зўрини олади.

«Халқ сўзи».

Виолен де Вильмор:

«Ўзбекистон ҳам Франция каби беқиёс иқтисодий, инвестициявий, маъмурий, таълим ислохотлари дастурини бошлади»

Франция нафақат Европа, балки жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда Ўзбекистон ташқи сиёсатида ушбу давлат билан ҳар томонлама мустақкам алоқа ўрнатиш муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган.



Франциянинг Ўзбекистондаги Фавкулдда ва мухтор элчиси Виолен де Вильмор хоним пойтахтимизда Франция миллий байрами — Бастилия ишғол этилган кун муносабати билан бўлиб ўтган тадбир давомида муҳбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

Эксклюзив интервью

— Мазкур байрамга бағишланган ушбу тадбир Франция — Ўзбекистон дўстлигининг яна бир яққол ифодасидир. Шу боис икки мамлакат ўртасидаги яқин кучайтиришга муносиб ҳисса қўшаётган барча-барчага миннатдорлик билдираман.

Биласизми, мен ушбу миллий байрамни Тошкентда уч йиллик қизгин фаолиятим якуни арафасида сўнги марта нишонлапман. Ўзбекистон ҳам Франция каби беқиёс иқтисодий, инвестициявий, маъмурий, таълим ислохотлари дастурини бошлади. Ўзбекистонда маъмурий, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий ва хавфсизлик соҳаларидаги янгиликлар мамлакат имижини кучайтирди ҳамда халқаро алоқалар, хусусан, француз — ўзбек муносабатлари ривожига беқиёс туртки берди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Парижга ташриф буюриб, бизга ҳурмат кўрсатиш ва ўзаро алоқаларга ажайиб йўл очди.

Бугунги кунда Франция компанияларининг Ўзбекистонга кизиқиши ортиб бормоқда. Валюта бозорини эркинлаштириш, имзоланган шартномаларга амал қилиш — Ўзбекистон ҳукумати томонидан шу йўналишда олиб борилаётган ишларни олқишлайман, тендерларнинг шафқатлиги ва адолатлиги, инвестицияларнинг ҳимояси ва ерга эгалик қилиш ҳуқуқи мустақкамлаши, интеллектуал мулкни ҳурмат қилиш — бу ўзгаришлар Европа Иттифоқи ва Бугунжаҳон савдо ташкилоти билан музокарада, айниқса, инвесторларнинг ишончи орттиришда ҳал қилувчи тасвирга эга бўлажак. Кейинги вақтда Ўзбекистонга Франциядан кўпқабатли делегациялар ташриф буюрмоқда. Ана шу алмашинувлар жўшқинлигига қўшаётган ҳиссаси учун Франция — Ўзбекистон бизнес-клубига миннатдорлик билдираман, фаолиятига муваффақият тилайман. Туризм соҳасида сайёҳлик агентликлари Ўзбекистонни энг кўп тавсия қилинадиган 10 та йўналиш қаторига киритди. Франция мамлакатининг бетақор меросини сақлаб қолиш учун тоғ туризми, шаҳарсозлик ҳамда қадимий шаҳарларни қайта тиклаш соҳасида ўз тажрибаси билан ўртоқлашишга тайёр.

Гуманитар алоқалар тобора изчил ривожланмоқда. Бир неча кундан кейин Париж академиясининг делегацияси Самарқанддаги Ипак йўли университети вакиллари билан учрашди. Археологлар ва реставраторлар Лувр музейида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон шоҳсарларининг кўргазмасини тайёрлашмоқда. Шу ўринда «Француз альянси»га француз тили ва маданиятининг ривожига қўшаётган ҳиссаси учун алоҳида миннатдорлик билдираман. Янги кўпқабатли ўқувчиларнинг қабул қилинишини қўллаб-қувватлаган Тошкентдаги француз мактаб ўқувчилари ота-оналарига ташаккуримни изҳор қиламан.



Нуқтаи назар

СОЗ БИЛАН СУҲБАТНИ ЁЛФОН ДЕМАНГЛАР...

Халқ хикматида айтилади: «Қирқ йилда қир янги, эллик йилда эл янги». Яъни қирқ йилда халқнинг турмуш шароити, тутумида ўзига хос ўзгаришлар кузатилиши муқаррар.



Халқ сўзи
Народное слово
ТАНЛОВИГА

Эллик йилда ўртача уч авлод ҳаёти кечад ва замон билан уйғун ижтимоий-сиёсий, маънавий жабҳаларда янгиланишлар юз беради. Айниқса, бугунги кескин глобаллашадиган XXI аср аввалида бу хил янгиланишлар тезлашиб кетгандек. Зеро, ушбу шиддатли оқимда инсониятнинг камолот сари қўяётган қадами бир қарашда ўз замонидан тояётгандек тасаввур ҳам уйғотди. «Оммавий маданият» ва инсон ақлининг ро-



Беш ташаббус — амалда

«Digital Camp»: Ёшларнинг ахборот технологияларига доир билимлари бойитилди

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамда Тошкентдаги Инха университети ҳамкорлигида юртимизда «Digital Generation Uzbekistan» лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Мазкур лойиҳа доирасида ташкил қилинган «Digital Camp» — беш кунлик ёзги оромгоҳ яқунлари бўйича ўтказилган анжуманда ёшларни ахборот технологиялари билан таништиришга қаратилган ушбу тадбирларнинг самаралари ва аҳамияти ҳақида сўз борди. Таъкидланганидек, оромгоҳга Ёшлар иттифоқи томонидан онлайн эълон берилиб, ижодий иншо ва суҳбат асосида 900 дан ортқ талабгорлар орасидан 90 нафар ёш саралаб олинган. Масканд беш йўналиш: дастурлаш, дизайн, робототехника, рақамли иқтисодиёт ва рақамли медиа технологиялари бўйича тренинглар ўтказилган.

— Ушбу лойиҳани амалга ошириши-

миздан асосий мақсад ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш ва шу орқали уларни бугунги замонавий технологиялар ёрдамида даромад топишга ўргатишдан иборат, — дейди «Digital Generation Uzbekistan» лойиҳаси асосчиси Алишер Тожиев. — Юртбошимиз томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббуснинг учинчиси айнан аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ҳамда интернетдан самарали фойдаланишни ташкил қилишга қаратилган. Лойиҳамиз бу борадаги ишларни ҳаётга татбиқ этишга хизмат қилаётганидан хурсандимиз.

Юлдуз ЎРМОНОВА
(«Халқ сўзи»).

Мазкур тадқиқот хулосалари фикрлаш учун қизиқарли маълумотларни беради. Кўринадик, айна вақтда олиб борилаётган сиёсат натижалари, ҳатто бундан бир неча ўн йиллар ўтиб туғилаётган авлодлар учун ҳам низоҳатда муҳим аҳамиятга эга. Сиёсий, иқтисодий ўзгаришлар, ижтимоий соҳанинг тарққиёт даражаси миллионлаб янги инсонлар дунёга келиши ёки келмаслигини белгилаб беради.

Шуларни ўйлар эканмиз, мамлакатимизда айнан ҳозир, шу паллада юз бераётган воқеаларнинг кадр-қиммати кўз ўнгимизда намоеён бўлади. Шу билан бирга, барча ислохотларнинг ташаббускори — давлат раҳбарлиги зиммасига тушаётган улкан масъулият, қолверса, ҳар бир фуқароннинг ана шу тарихий жараёндаги дахлдорлиги нечоғли зарур эканини англаб етамиз.

Яқин Шарқдаги қуроли мижозлар ўчоғидан махсус авиарейс билан Ватанга қайтарилди. Ёт ғояларга ишониб юртни тарқ этган ва тақдиринг оғир синовларини бошидан кечирган юртдошларимизга тиббий, руҳий, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди. Уларнинг тинч-осойишта ҳаётга қайтиши, жамиятга мослашиб кетиши, таълим ва бошқа ижтимоий дастурларда иштирок этиши учун шароит яратилди. Уй-жой, иш билан таъминлаш чоралари кўрилди. Буларнинг барчаси халқро ташиқлотлар эътирофига сабаб бўлди.

— ЮНИСЕФ Ўзбекистон раҳбариятининг шу мамлакат фуқаролари ва уларнинг фарзандлари бўлган болалар учун жавобгарлиқни зиммасига олиш ҳақидаги қарорини, улар фуқаролиги йўқ шахс бўлиб қолмаслиги чораларини кўрганлигини олқишлайди, — деди ушбу халқро ташиқлот-

лик ва ишонч чоралари бўйича кенгашининг бешинчи саммитида маъруза қилар экан, динларро ҳамжиҳатлик, маърифат ва ўзаро маданий алмашинув масалалари бўйича тизимли мулоқотни йўлга қўйиш тақлифини киритди. Бунда Самарқанддаги Имом Бухорий халқро илмий-тадқиқот маркази ҳамда Тошкентдаги Ўзбекистон ислом цивилизацияси маркази самарали пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Пойтахтимиздаги ана шу маънавият масканида олиб борилаётган қурилиш ишлари билан танишар экан, давлатимиз раҳбари Илоом цивилизацияси маркази мазкур мавзуда тадқиқот юритувчи муассасалар учун фундаментал база бўлиши, у орқали биз халқимизнинг фан, маърифат ва маданият ривожига қўшган ҳиссасини ақс эттирмоқчи эканимизни айтди.

Интернет-сиёсат фуқаролик ташаббуси ташкилоти Европа Иттифоқи лойиҳаси доирасида аҳолиси радиализмга энг ружу қўйган мамлакатни аниқлаш бўйича тадқиқот ўтказди. Натижалар шуни кўрсатдики, Бельгияда ҳар миллион нафар аҳолидан 689 нафарда экстремистлар таъсирига тушиб қолиш эҳтимоли кучли экан. Бундай кўрсаткич Буюк Британияда 204 нафарни ташкил этса, Ўзбекистонда ҳар миллиондан фақат 18 киши ўта радикаллар «тури»га илиниши мумкин экан.

Бундан келиб чиқадики, ўрта ҳисобда диний таълимот масаласида Антверпен ёки Брюггеда яшовчи одамларга нисбатан ўзбекистонлик 25 марта кўпроқ билимга эга экан. Ёки қайси таълимот тўғри-у, қаерда

ўтган йили мамлакатимизда диний эътиқод эркинлигини ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси» қабул қилинган, шунингдек, бир ярим минг диний маъбуслар овоз қилинган ва диний қарашлари сабабли «қора рўйхат»да турган 16 минг киши мамлакат ташқарисига чиқиш учун рўхсат олгани каби далилларни келтирди.

Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасида кейинги вақтда инсон ҳуқуқлари соҳасида сезиларли ривожланишга эришгани тўғрисида Европа Иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили, Еврокомиссия вице-президенти Федерика Могерини ҳам айтиб ўтди.

Кўриб турганимиздек, тақлиқлар воситасида эмас, балки билимларни кенгайтириш, ўз устида ишлаш учун имкониятлар яратиш орқали кўпроқ натижага эришиш мумкин экан.

қўллаб-қувватлашини билдирди. Бунда мамлакатда узоқ кутлган тинчлик ўрнатилиши фақат афғонистонликлар томонидан, Афғонистон халқи раҳбарлиги остида амалга оширилиши лозим, деб эътироф этилди.

Ўзи ва минтақа келажаги ҳақида қайғурётган Ўзбекистоннинг жанубий қўниши — Афғонистонда вазият ўнла-ниши, тинчлик жараёни бўйича ташаббуслари, шунингдек, минтақадаги бошқа давлатлар билан ҳамкорликни мустақамлашга қаратилган сый-ҳаракатлар жазон ҳамжамияти томонидан юқори баҳоланмоқда.

Минтақамиз тобора барқарор, иқтисодий жиҳатдан ишончли ва келажақни башорат қилиш имконияти ҳудудга айлиб бормоқда. Шавкат Мирзиёев қайд этганидек, бу ҳолат кенг доирадаги ҳамкорлик учун, энг муҳим минтақавий лойиҳаларни илгари суриш учун қулай ва ноёб имкониятларни очиб беради. Британиянинг «The Economist» нашри мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришлар тўғрисидаги мақолада Ўзбекистоннинг замонавий тараққиётидаги ижобий силжишларни эътироф этиб, уларнинг ҳар бири аҳоли фаровонлигига эришиш учун йўналтирилганини қайд этди.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг Олий Мажлиси Сенати йиғирманчи ялпи мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, иқтисодий соҳасида бозор механизмлари тобора чуқур жорий қилиш, хусусий мулк ва тадбиркорликни ривожлантириш учун кенг шароитлар яратиш, замонавий ишлаб чиқариш объектилари ва инфратузилмани ташкил этишга устувор аҳамият қаратилади. Янги иш ўринлари яратиш, замонавий уй-жойлар, йўл ва кўприқлар, болалар боғчалари, мактаб ҳамда олий таълим муассасалари қуриш, шифохоналар, маданият, санъат ва спорт иншоотларини бунёд этиш — ҳуллас, халқимиз фаровонлиги, ҳаёт тарзини яхшилаш мақсатида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари барча даражадаги раҳбар ва масъул ходимлар фаолиятининг бош мезони-га айланади.

Американинг сиёсий журналистикага йўналтирилган «The Daily Signal» янгилигини веб-сайтнинг ёзишича, Президент Шавкат Мирзиёев ва унинг жамоаси қонун устуворлигини ўрнатган ҳолда ўзгаришларни амалга ошириш, иқтисодий тизимни эркинлаштириш, ижтимоий ривожланиш, очик ва конструктив ташқи сиёсат олиб бориш мақсатида «Йўл харитаси»ни рўйбга чиқармоқда. Нарҳда қайд этилишича, Ўзбекистон етакчилиги республиканинг гуллаб-яшнаши учун пойдевор бўлиб хизмат қилувчи ислохотларни амалга оширапти.

Юртимизда ҳукм сураётган бунёдкорлик шиддатига эътибор берилса, тараққиёт муқарраллигини яққол тасаввур қилиш мумкин. Мамлакатдаги тинчлик муҳити, барқарорликка эришиш учун интилиш, дунёга очиклик сиёсати, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳада уч йилдан камроқ муддат ичида қўлга киритилган ютуқлар замонавий Ўзбекистоннинг ташқи қўзғоғига айланади. Ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз келажаги ҳақидаги энг дадил ва оптимистик сценарийлар бир кун келиб реал воқеликка айланади.

Ўқтир РАҲМАТ.

Лоқайдликка қарши «эмлаш»

Бугунги инқилобий технологиялар бундан ўн, йиғирма йиллар ўтиб ёки XXI аср охирига бориб ҳаётимизни қанчалик ўзгартириб юборади — буни тасаввур қилишга оғир. Илм-фан тараққиёти шу қадар тезлашдики, воқеликни буткул ўзгартириб юборди. Келажақда нафақат меҳнат қуролилари ва усуллари, бино, иншоот ҳамда транспорт, турмуш тарзи, балки одамларнинг ўзи, қиёфаси, мулоқот шакли, тафаккури умуман ўзгаради.

Хўш, янги тамаддун вақиллари орасида ўзбекистонликлар нимаси билан ажралиб туриши мумкин? Улар йиллар оша қайси анъаналарни келажақка олиб ўтадилар? Роботлар ва космик саёхатлар оламида уларни қайси кадрятлар бирлаштиришга қодир?

Давр ўзгаришларидан сичков назар ташласан, юқоридаги саволларга жавоб топа оламиз. Яъни булар — халқимизга хос инсонпарварлик, савоҳат ва мурувват, ўзаро ҳурмат! Ушбу фазилатларга ҳатто глобаллашув, янги технологиялар ҳам салбий таъсир кўрсата олмаслигига шубҳа йўқ.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари азалий кадрятларни унутиш эмас, аксинча, мустақамлаш, ҳар бир инсон қалбига, ёшларга сингдиришни ўргатмоқда. Айниқса, муаммоли, мураккаб вазиятга тушиб қолганларга давлат томонидан кўмак кўрсатилаётган шароитда бу жуда зарур.

Масалан, эҳтиёжманд инсонларни уй-жой билан таъминлаш тизимли равишда давом этяпти. Ногиронлиги бор шахслар, ота-онаси йўқлар, ёлғиз оналарга давлат бу масалада ёрдам бермоқда. Шундай экан, улар қалбидан пайдо бўлган умид учкунни ўша азалий кадрятларимиз, меҳр-мурувват ва савоҳатни янада кучайтиришга олиб келади.

«Меҳр» деган сўз яқинда давлатимиз томонидан амалга оширилган янги хайри тасдиқнинг рамзий номига айланади. Муборак Рамазон ойида Президентимиз топшириғига кўра, 156 нафар ўзбекистонлик аёл ва бола

нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Саша Грауманн.

Бу — бир марталик акция эмас. Ўзбекистон ўз фуқароларини ташлаб қўймайди. Давлат адашганларни жазолаш эмас, аксинча, уларга кўмак беришини бошқа инсонпарварлик тадбирлари ҳам тасдиқлайди.

Мана, яқинда хориждан тўрт нафар етим қолган бола қайтариб келинди. Уларни экстремистик таъсирга тушиб қолган ота-оналари олиб чиқиб кетишган. Қанчалик мураккаб бўлмасин, ана шу болалар Ватанга қайтарилди. Энди эса давлат ғамхўрлиги остида бўлишади.

Тан олиш керак, айрим кишилар чет элга чиқиб кетганларни қайтариш учун нега шунча маблағ ва куч сарф қилиш керак, ахир мамлакат ичкарисида ҳам муҳтожлар кўп-ку, деган фикрга ҳам боришди. Бу эса, юқсак инсонпарварлик намунасининг чуқур мазмунини англамаслик натижасидир. Одамни хатоси учун кечириш, унга таъна қилмасдан, яхшиликка ундашнинг ёш авлод тарбиясидаги аҳамияти жуда катта. Бу — гўзал анъаналаримизни яна бир бор эслатиш, образли қилиб айтганим бўлса, лоқайдликка, инсон тақдирига нисбатан бепарволикка қарши «эмлаш» деганидир. Халқимизда кечиримлик фазилатлари шаклланган ва у, албатта, кейинги авлодларга ҳам ўтади.

Миллиондан 18 нафар

Даврлар ўтаверади, лекин «Жаҳолатга қарши маърифат» иборасида муҷассам бўлган жиддий ташаббус ўз аҳамиятини йўқотмайди. У икки йил аввал БМТ Бош Ассамблеяси минбаридан янграган эди. Қисқа вақт ичидаёқ уни ҳаётга татиқ этиш ўз мевасини бера бошлади. Натижалар шуни кўрсатмоқдаки, шундай ёндашув нафақат республикамиз, балки бутун жаҳон учун фойдали.

Шавкат Мирзиёев Осиёда ҳамкор-



Суратлар «Халқ сўзи» фотожамламасидан олинди.

Маънавият, дин ва уни ўрганишнинг нақадар муҳимлигига батафсилроқ тўхталиш жоиз. Айрим файласуфлар маърифатни ўз фикридан кимнингдир кўрсатмасисиз фойдалана олмасликка қарши восита, яъни мустақил, бирор ғояга қарам бўлмаган тафаккур, деб таърифлашади. Шундай экан, маърифат жоҳилият ва радикализмга, таркидунёчилик ва бир томонлама фикрлашга қарши тура олади.

Бундай ёндашув қанчалик таъсирчан? Ундан кенг фойдаланиш катта ижобий натижа беради ва баъзи ОАВ ҳамда сохта тахлиқчиларнинг Марказий Осиёни аҳолиси радикалликка, зўравон экстремизмга берил-

экстремистик қарашлар мавжудлигини ажрата олиш қобилияти бизда Британия фуқароларидан кўра 8 баробар ортиқ экан.

Ушбу кўрсаткичлар АҚШ Давлат котиби Майкл Помпеонинг яқинда берган баёнотида янада яққол ақс этди. Яъни у Ўзбекистон диний эркинлик соҳасидаги ваъдани яхшилади ва алоҳида таъшиш йўтувчи мамлакатлар рўйхатидан чиқарилди, деб айтди.

Қўша Штатлар ташқи сиёсат идорасининг раҳбари Ўзбекистоннинг бу борадаги ютуқларини санар экан,

Тараққиёт учун тинчлик зарур

Айни вақтда ҳам, XXI аср охирида ҳам Ўзбекистон тақдир қўни мамлакатлар билан ҳамкорлик бўлиб беради. Ривожланиш тинчликни талаб қилади. Шу боис республикамиз атрофда тинчлик ва хотиржамлик ҳукм суришидан манфаатдор.

Президент Шавкат Мирзиёев ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг июнь ойидаги мажлисида ҳудуд барқарорлиги кўп жиҳатдан Афғонистондаги вазият билан белгиланади, деб таъкидлади. Яқинда Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги Доҳада бўлиб ўтган анжуманда Афғонистондаги оқшайтлик бўйича қабул қилинган Тинчлик ҳақидаги қўша резолюцияни

Шахсга доир маълумотлар давлат сири даражасида ҳимояланади

Яқинда давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун билан шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланди.

Сенатор мушоҳадаси

Умуман олганда, бугунги кунда жаҳоннинг 43 та давлатида шахсга доир маълумотлар ва шахсий ҳаёт дахлсизлигини ҳимоя этиш тартибини назарда тутувчи қонунлар амал қилиб келмоқда. Европа Иттифоқида аъзо давлатларда ҳам шахсга доир маълумот алмашинувини тартибга солувчи алоҳида қонун мавжуд. Илгор хоржий давлатларда шахсий характердаги маълумотларнинг ҳуқуқий ҳимояси шахс ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялашнинг устувор йўналишидан бири сифатида эътироф этилган.

Шахсга доир маълумотлар бевосита аниқ бир шахс билан боғлиқдир. Шахсининг биографик маълумотлари, миллати, турар-жойи, касалланиш ҳақидаги маълумотлар, профессионал билим ва кўникмалари, оилавий ҳаёти, одатлари, қизиқишлари, диний ва сиёсий қарашлари ҳамда бошқалар жамият ичида айланадиган маълумотларнинг катта қисмини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасига мувофиқ, ҳар бир шахс шахсий ҳаёт дахлсизлиги, шахсий ва оилавий сир, ўз қадри ва гўрурини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга. Бундан ташқари, «Ахборот-лаштириш тўғрисида»ги Қонунга асосан, жисмоний шахсларнинг шахсий маълумотлари ҳақидаги ахборот қонфиденциал маълумотлар сирасига кирди.

Давлат сири даражасидаги кучлироқ ҳимояланган ахборотлар қаторида, инсоннинг шахсий ҳаётига оид маълумотлар ҳам ўта муҳим ҳисобланади ва шунга мувофиқ ҳолда уларнинг ҳимояси, қайта ишлаш ва сақлаш бўйича маълум талаблар, уларни рўхсатсиз тарқатмаслик шартлари белгилангани, соҳанинг ҳуқуқий асослари мустақамлангани ҳар бир

фуқаронинг эркин ҳуқуқидир.

«Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги Қонуннинг 33-моддасида шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади, деб кўрсатилган. Бу меъёр, ўз ўрнида, қайд этилган ноқонуний фаолият учун қонунчиликка жавобгарлиқни белгиловчи тегишли қоидалар киритилишини таъқозо этади.

Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига қўшимчалар киритилди.

Биринчидан, ҳозирги вақтга қадар шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш жумласи билан тўлдирилди. Эндиликда қонун ҳужжатларини бузган шахс, агар у ўз айбига иқдор бўлса, жабрланувчи билан яраса ва етказилган зарарни бартараф этса, жинорий жавобгарликдан озод этилиши қаторига мазкур турдаги жиноятлар ҳам киритилди.

Жиноят кодекси Шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, деб номланган 141²-модда билан бойиди.

Унга кўра, фойдаланилиши қонунга биноан ёки шахсга доир маълумотлар субъекти томонидан чекланган шахсга доир маълумотларни янгилаш, ўзгариш, эгасизлантириш, тизимлаштириш, тўсиб қўйиш ва йўқ қилиш учун маъмурий жавобгарлик белгиланди.

Бинобарин, янги моддада на-зилган турлар маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги ишларни кўриб чиқиш маъмурий судлар ваколатига кириши қайд этилмоқда.

Қонун мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларга ижобий таъсир кўрсатиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга хизмат қилади.

кейин содир этилган бўлса белгиланади.

Қайд этилган ноқонуний ҳаракатларни амалга оширишда оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, яъни ушбу ҳаракатлар бир гуруҳ шахслар томонидан олдидан тил бириктириб, тақдоран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилса, хизмат мавқеида фойдаланган ҳолда амалга оширилса, оғир оқибатларга сабаб бўлса, алоҳида оғирроқ жазо чоралари белгиланмоқда.

Жиноят кодексидаги киритилган ўзгаришлар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ҳам ўзгариш киритиш-ни талаб этади.

Шу сабабдан қонунчиликка қўйидаги маъмурий жавобгар-ликни белгиловчи меъёрлар жорий этилди. Яъни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга Шахсга доир маълумотларни бузиш деб номланувчи янги 46²-модда киритилди. Мазкур модда билан шахсга доир маълумотларни қонунга хилоф равишда тўплаш, жамлаш, сақлаш, улардан фойдаланиш ва уларни тарқатиш, шу жумладан, трансчеғаравий узатиш, худди шунингдек, фойдаланилиши қонунга биноан ёки шахсга доир маълумотлар субъекти томонидан чекланган шахсга доир маълумотларни янгилаш, ўзгариш, эгасизлантириш, тизимлаштириш, тўсиб қўйиш ва йўқ қилиш учун маъмурий жавобгар-лик белгиланди.

Депутат фикри

Бу борада бир йил муқад-дам давлатимиз раҳбарининг Фармони билан Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси қабул қилинган ва солиққа тортиш борасида адолатли, таъдиркорлар учун қулай солиқ тизими яратилгани аҳамиятлидир. Таъкидлаш жоиз, концепциянинг ҳаётга кенг татиқ этилиши натижасида солиққа тортиш ва солиқ йиғимларини ундириш борасида кўплаб ижобий натижаларга эришилди. Жорий йил биринчи ярмида Давлат бюджетига 39 триллион 118 миллиард сўм ёки ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,6 баробар кўп маблағ ўширилгани ҳам буни исботлайди.

Виолен де Вильмор: «Ўзбекистон ҳам Франция каби беқиёс иқтисодий, инвестициявий, маъмурий, таълим ислохотлари дастурини бошлади»

Франция тараққиёт агентлиги Европа Иттифоқи кўмағида ва Осиё тараққиёт банки билан биргаликда молиялаштириш асосида лойиҳаларни амалга ошироқда ҳамда келгуси йилларда 450 миллион евро жалб қилишга интиломоқда. Яқинда бўлиб ўтган маслаҳатлашувларда Ўзбекистон ҳукумати иштирок этганини, маслаҳатлашувлар давомида алоқалар сифатини ҳамда ҳамкорлик дастурини амалга ошириш жараёнини олқишлайман.

Ўзаро ишонч муносабатлари дипломатик ва стратегик соҳаларда ҳам ўрнатилляпти. Франция Ўзбекистоннинг кўп томонлама ва минтақавий барқарорлик бўйича мулоқотга қўшилганидан мамнун. Париж тинч-лик форумида таъкидланганидек, глобал муаммолар мақсадларни белгилаб олиш учун фақатгина кўп томонлама мулоқот орқали ҳал қилиниши мумкин. Уларда тероризм, гивҳандлик моддалари ва одам савдоси, иқлим ўзгариши, АКТ каби масалалар чуқур таҳлил эти-

лади. Жорий йилнинг 11 — 13 ноябрь кунлари бўлиб ўтадиган иккинчи Париж тинчлик форумида Ўзбекистоннинг иштироки кутилмоқда.

Икки томонлама ҳамкорлик хавфсизлик соҳасида ҳам кучайиб бораётди. Халқро терроризм икки мамлакат учун таҳдид ҳисобланади. Фақатгина ҳамкорлик бизга терроризмининг тарқалишига қарши самарали курашишга имкон беради. Ўзбекистон ушбу хавф-хатарларга мустақил равишда қарши тура олиши учун Франция унинг

Омоннома ФАЙЗМОВ («Халқ сўзи») ёзиб олди.

Имтиёз ва преференциялар берилиши тартибга солинади

Мамлакатимизда тадбиркорлар ўртасида соғлом ва адолатли рақобатни таъминлаш, барча учун тенглик тамойили асосида солиққа тортиш, божхона-тариф тизимини тартибга солиш борасида кенг қўламли амалий ишлар қилинапти.

рий этиш ҳамда солиқлар ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар бериш амалиётини тартибга солиш мақсатида жорий йил 27 июнда Президентимизнинг «Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Мазкур ҳужжат мамлакатимизда олиб борилаётган солиқ ислохотларининг ўта муҳим иккинчи босқичини бошлаб берди, дейиш мумкин.

Шунингдек, жорий йилнинг 1 октябрдан бошлаб, юридик шахслар тижорат банкларида депозитга жойлаштирган маблағларидан фойда кўринишида олинган даромади бўйича фойда солиғи тўлаш тартиби ҳамда республикамизда ишлаб чиқарилган озиқ-овдат ва ўзи ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига ҳам қўшилган қиймат солиғи тўлаш тартиби жорий этиляпти.

Бу борада бир йил муқад-дам давлатимиз раҳбарининг Фармони билан Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси қабул қилинган ва солиққа тортиш борасида адолатли, таъдиркорлар учун қулай солиқ тизими яратилгани аҳамиятлидир. Таъкидлаш жоиз, концепциянинг ҳаётга кенг татиқ этилиши натижасида солиққа тортиш ва солиқ йиғимларини ундириш борасида кўплаб ижобий натижаларга эришилди. Жорий йил биринчи ярмида Давлат бюджетига 39 триллион 118 миллиард сўм ёки ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,6 баробар кўп маблағ ўширилгани ҳам буни исботлайди.

Фармонга кўра, 2019 йил 1 августдан бошлаб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар ягона ер солиғи тўловчиси бўлиб, ихтиёрий равишда қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтиши белгилаб қўйилди. Бундан ташқари, уларга сотиб олинган товар ва хизматлар бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олиш имконияти яратилмоқда. Ҳужжатда жорий йил давомида хизматларни реали-

зация қилишдан олган тушу-муш 100 миллион сўмдан ошган, бироқ бир миллиард сўмдан кўп бўлмаган теле-коммуникациялар опера-торлари, провайдерларига воситачилик хизматлари кўрсатувчи яқка тартибдаги тадбиркорлар хизмат ҳақи суммасидан 25 фоиз став-када ягона солиқ тўловини тўлаш белгилаб қўйилди. Натижада яқка тартибдаги тадбиркорга бу фаолиятдан фойда олиш имконияти яратилляпти.

2019 йил 1 октябрдан бошлаб товарларни сотишдан тушумнинг микдоридан қатъи назар, бензин, дизель ёнилғиси ва газ ёнилғи қўйиш станциялари орқали охириги истеъмолчиларига сотадиган юридик шахслар ва товарларни импорт қилувчи тадбиркорлик субъектлари, товарларни (ишларни, хизматларни) со-тишдан тушум микдоридан қатъи назар, қўшилган қиймат солиғи тўловчилари ҳисобланади.

Абдуғани УМИРОВ, Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.

ИННОВАЦИЯ янгиликлари

Ўзбекистонда докторантура тизимини ривожлантириш масаласи муҳокама қилинди

Инновацион ривожланиш вазирлигида Европа пойтахтлари университет тармоқлари (UNICA) ташкилотининг бош котиби Крис Дежонкере бошчилигидаги делегация вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда Загреб университети профессори Мелита Ковачевич ҳамда UNICA лойиҳаси раҳбари Ауриели Дюшоа ҳамда вазирлик мутасаддилари иштирок этди.

Узаро мулоқот чоғида Ўзбекистонда олий таълим бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва ушбу соҳадаги миллий сиёсатимизнинг ҳолатини ўрганишга қаратилган "Ўзбекистонда докторлик таълими сифатини ошириш — UzDOC 2.0" халқаро лойиҳаси натижалари муҳокама этилди. Мазкур лойиҳанинг асосий максадлари Ўзбекистон ОТМларидаги докторантура таълими салоҳиятини Европа олий таълим даражасига ҳамоҳанг равишда ривожлантириш, докторантура таълими сифатини миллий стандартларга мувофиқ такомиллаштириш доирасида профессор-ўқитувчилар ва илмий ходимларнинг малакасини оширишдан иборат. Шунингдек, лойиҳа докторантурада тайёрланаётган

кадрларнинг иш берувчи талабларига мос кўникмаларга эга бўлиши ҳамда ишлаб чиқариш ва ОТМ ўртасида ҳамкорликни ривожлантиришга қўмақлашди.

— Ушбу лойиҳа олий ўқув юртидан кейинги таълимга қабул механизмининг такомиллаштириш, шафтофликни таъминлаш, ортиқча қоғоз сарфига чек қўйиш, квоталар шакллантириш жараёнини электроник шаклга ўтказиш имконини берди, — дейди инновацион ривожланиш вазири Иброҳим Абдурахмонов.

Крис Дежонкере халқаро лойиҳа жорий йилнинг октябр ойида якунига етганидан сўнг, натижалари таҳлил қилиниб, докторантура соҳасидаги кейинги лойиҳаларда ҳамкорлик қилиш таклифини берди.

Нанотехнологиялар барча соҳани қамраб олмоқда

Инновацион ривожланиш вазирлиги хузуридаги Инновацион ишланмалари жорий этиш илмий-амалий маркази ва Россиянинг "Моторика" инновацион маркази билан ҳамкорликда Тошкент шаҳридаги Протезлаш ва ортопедия марказида ногиронлиги бор шахслар учун бионик протез қўллар ўрнатиш амалиёти бўлиб ўтди.



Марказий Осиёда илк марта ташкил қилинаётган ушбу тадбирнинг юртимизда ўтказилиши соҳа ривожини учун муҳим қадамлардан биридир. Ногиронлиги бор шахсларга бионик протез қўлларни ўрнатиш амалиёти ҳар бир мижозга индивидуал тарзда ёндашган ҳолда, олган жароҳатига

қўра, 3D технологиялари орқали амалга оширилади.

Тадбирга ташриф буюрганлар москвалик тажрибали мутахассислардан бепул маслаҳат олиш, бионик протез қўллар ишлаш жараёнини кузатиш ва шунингдек, бионик қўллар фойдаланувчилари билан бевосита мулоқот қилиш имконига эга бўлдилар.

Ҳа, илгидингиз, бугунги мавзунимиз айнан чўмилиш жараёнидаги эътиборсизлик оқибада келиб чиқаётган кўнгилсизликлар ҳусусида... Вилоят факуллода вазиятлар бошқармаси томонидан олиб борилган статистик маълумотларга

NASA билан ҳамкорлик

АҚШнинг аэронавтика ва космик кенгликни тадқиқ қилиш миллий бошқармаси — NASA Халқаро космик станция дастури илмий ходими Камилла Уордрон Эллейн Инновацион ривожланиш вазирлигига ташриф буюрди.



даги элчонаси вакиллари иштирок этди. Вазирлик мутасаддилари, ўз навбатида, NASA билан ҳамкорлик ўрнатишдан манфаатдор эканликларини алоҳида таъкидлашди.

Учрашув доирасида Инновацион ривожланиш вазирлиги хузуридаги Илгор технологиялар марказида "Юқорида, аянам юқорида": NANANing келажакка саёҳати" ҳужжатли фильми намойиш этилди.

Мулоқот чоғида илм-фан, хусусан, хотин-қизларни "STEM-таълим"га қизиқтириш масалалари муҳокама қилинди. Тадбирда, шунингдек, АҚШнинг Ўзбекистон-

«Халқ сўзи».

Сув инсон тафтини олади...



Фақат ҳушёр бўлган кишигина чўмилиш жараёнида юзага келадиган турли кўнгилсизликлардан ўзини сақлайди.

Бу йилги ёз чилласи аввалгиларига нисбатан анча иссиқ келди. Ҳаво ҳарорати ўртача йиллик кўрсаткичдан юқори бўлмоқда. Табиийки, кўпчилик соя-салқин жойларни, оромгоҳларни қўймайди. Боз устига, ҳордиқ чиқариб, яйраб олишга нима етсин...

Олтиғил маҳалласидан оқиб ўтувчи Урта Чирчиқ — Оққўрғон каналда чўмилаётиб чўки кетган. Негадир, ушбу маълумот юқоридаги ҳисоботда акс этмаган. Ёки 8 июль куни Охангарон дарёсининг Қўйи Чирчиқ тумани ҳудудидан кесиб ўтувчи қисмида 7 яшар бола, унинг 29 ёшли онаси ва 27 ёшли ҳоласи сувга гарқ бўлади.

Узингиз ўйлаб кўринг, бу битта холат ҳисобланадими ёки учта?.. Шу ўринда ҳақиқат савол туғилди: бу каби бахтсиз ҳодисаларни сир сақлашдан мудоао нима? Яхши

кўриқланиши, табиий ва санитария-гигиена талабларига мослиги, сув ҳавзалари ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга қаратилган ишлар ҳолати, чўқаётганларни кутқаришга ихтисослаштирилган тузилмаларнинг шайлиги тўлиқ тўридан чиқиди. Аниқланган камчиликларни зудлик билан бартараф этдик, ҳавфсизлик чораларини белгиладик.

Дарҳақиқат, амалга оширилган ишлар мазмунини чакки эмас. Мавжуд сув ҳавзалари, чўмилиш жойлари ва бассейнларда ҳавфсизликни таъминлаш, чўмилиш тақиқланган жойларда чўмилишга йўл қўймаслик чораларини кўриш мақсадида алоқадор ташкилотлар раҳбарлари оғохлантилган. Жами 297 мартаба рейд ўтказиб, ушбу жараёнда 10 минг нафардан ортиқ фуқаролар билан суҳбатлашилган,

5 мингдан зиёд эслатмалар тарқатилган. Ҳамкор ташкилотлар кўмакда 67 та ҳудудда назорат-кузатув тарғибот пости ўрнатилган. Уларда навбатчилик йўлга қўйилган. Ҳавзаларга 407 донна тақиқловчи белги қўйилган. Касб-хунаро коллежларининг 34 минг, мактабларнинг 487 минг ўқувчиси ўртасида чўмилиш чоғида ноҳуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида диққатларни ездириб орқали бу борадаги тушунчаларни кенгайтирилган.

Буларнинг барчаси яхши, албатта. Лекин, етарлимикин, деган савол туғилди. Вилоятга ҳар йили 1 миллион 368 минг нафар сайёҳ келмоқда. Маҳаллий аҳоли сони эса бундан тахминан икки баробар кўлиги инобатга олинса, бу ишларнинг салмоғини эмас, сифатини кўтариш лозимлиги аққол аён бўлади.

Бахтсиз ҳодисаларга нима сабаб бўлмоқда?

— Жойларда чўмилиш учун етарлича шарт-шароит йўқ, — дейди қирғиллик пенсионер Ҳикмат Норматов. — Барча қулайлик яратилган чўмилиш бассейнлари жуда кам. Борлари эса қиммат.

— Болаларнинг ота-оналар томонидан қаровисиз қолдирилиши ачинарлидир, — дейди чирчиқлик уй бекаси Азиза Сулаймонова.

— Айрим одамлар дам олиш ёки чўмилиш завқини спиртли ичимлик ичиш билан боғлашади. Бундай ҳолатда инсон ўзини ҳам, атрофдагиларни ҳам назорат қилолмайди, — дейди бўстонликлик тадбиркор Дилмурод Қовиллов.

— Эҳтиётсизлик ёки сузишни билмасликнинг оқибати ёмон, — дейди келеслик Шавкат Бокиев. — Латифа эшитганим: чўқаётган бир одам ўндан ортиқ тилда "қутқаринглар", деб бақирармиш. Қутқариб олган одам унга маломат қилиб: шунча тилни ўрганибман-у, сузишни ўрганибман-да, деган экан.

— Вилоят ҳудудидан оқиб ўтадиган сувларимиз ниҳоятда совуқ. Буни эътиборга олмаслик натижасида томир тортишиб қолиш ҳолатлари эътиборда, — дейди тажрибали шифокор Нигора Соатов.

Бу фикрларнинг барчаси аслида чўмилиш ҳавфсизлигини таъминлашда чора-тадбирлар сифатини кўтаришга қаратилган билан эътиборли. Буларга қўшимча равишда вилоят факуллодада вазиятлар бошқармаси тасдиқланган воқеали диққатимизни тортди. Бахтсиз ҳодисага учраётганларнинг аксарияти маҳаллий шароитини яхши билмайдиган меҳмонлар экан.

Шу ўринда тақиққа нисбатан эътирозимизни изхор этсак. "Мумкин эмас", "Хавфли" сўзлари ёзилган баннер, плакатлар, махсус устунлар орқали иштиёқ билан келган одамни зинҳор тўхташга илтимош. Шароит яратилмас экан, тақиқ қўйилмайди, масалани шу билан тўла ҳал қилиш қийин. Аксинча, фарзандларимизни ушбу кўрнамас хавфдан ҳар қуни оғох этиб туришимиз зарур. Мутасадди ташкилотлар ҳам ўз зиммаларига олган вазифани астойдил адо этишса, вазият ўзгариши мукаррар.

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ («Халқ сўзи»).

Мавсум

Сув инсон тафтини олади. Чўмилиш кишига ҳузур-ҳаловат бахш этади. Юртимизнинг барча ҳудудларида, жумладан, Тошкент вилоятида ҳам сув ҳавзалари кўп, чўмилиш имкониятлари ҳам жуда катта. Худуддан оқиб ўтувчи Чирчиқ, Сирдарё, Ангрен, Охангарон, Қорасув дарёлари, Чорвоқ, Туябўғиз ва Тошкент сув омборлари, 15 та гидротехник иншоот, Чирчиқ — Охангарон ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига қарашли бўлган 45 та магистраль канал, 97 та коллектор ҳамда 400 га яқин кичик ҳўжалиқлар оқибатларнинг умумий узунлиги 3 минг 180 километрдан иборат. Табиийки, улар соҳилларида кўплаб чўмилиш жойлари бор. Афсуски, уларнинг рўйхати шу пайтгача шакллантирилмаган.

Шу кунларда чўмилиш мумкин бўлган ҳамда рўхсат берилмаган барча сув ҳавзаси, оқар сувлар соҳиллари одамлар билан гавжум. Ҳатто Тошкент шаҳридан 160 километр, Бўстонлик тумани маркази Фазалбек шаҳридан 100 километр олисликдаги тоғ оралиғида жойлашган ноёб "Нефрит" қўли дея таърифланган Урунғочдан ҳам одамлар қадами аримай қолди. Аслида табиат мўъжизасидан баҳра олиш керак, ама...

Ҳа, илгидингиз, бугунги мавзунимиз айнан чўмилиш жараёнидаги эътиборсизлик оқибада келиб чиқаётган кўнгилсизликлар ҳусусида... Вилоят факуллода вазиятлар бошқармаси томонидан олиб борилган статистик маълумотларга



қўра, 2019 йилнинг ёз мавсуми мобайнида (бу мавсум ҳали тугагани йўқ — тахририят) фуқароларнинг қўлиши билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар сони кескин ортган. Оқиб ўтувчи дарёлар, канал ва сув омборларида жами олти мартаба, жумладан, Чорвоқ сув омбори, Ҳамдам канали, Охангарон дарёси ва Қорасув дарёсида биттадан, Чирчиқ дарёсида эса 2 та бахтсиз воқеа юз берган.

Бошқа манбалардан олинган маълумотларга қараганда, вазият бундан да ёмон. Масалан, шу йилнинг 9 июль куни Урта Чирчиқ туманида яшайдиган 19 ёшли йигит

ишлаяпмиз, дейиши ёки аҳолини ваҳимага туширмасликми? Аксинча, уларни ошқор қилиб, аҳолини ҳушёрликка қачириб мақсадга мувофиқ эмасмикми?

Ҳа, бахтсиз ҳодисаларнинг сони эмас, уларнинг олдини олиш ҳақида бормоқда.

— Мутахассисларимиз томонидан доимий равишда махсус тадбирлар ўтказилмоқда, — дейди Тошкент вилояти факуллодада вазиятлар бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари, полковник Хусан Бобонов. — Ҳудудимиздаги оммавий чўмилиш жойларининг мавсумга тайёрлиги, уларнинг

Андихон томонларда

Яна бир муҳим қадам

Андихон давлат университетига 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб киргиз тили ва адабиёти йўналиши бўйича магистратура мутахассислиги учун қабул амалга оширилади.

Бугунги кунда вилоятимизда 25 та мактабда киргиз тилида таълим берилмоқда, — дейди Андихон давлат университети киргиз тили ва адабиёти фани ўқувчиси Махбуба Темирова. — Олий таълим муассасасида тахсил олган талабалар ушбу мактабларда ўз фаолиятини давом эттиришлари. Магистратура мутахассислиги бўйича квоталар ажратил-

ганлиги республикаимиз таълим соҳасидаги катта қадамлардан биридир.

Айтиш жоизки, республикаимиз аҳолисининг 2 фоизга яқинини киргиз миллатига мансуб юртдошларимиз ташкил этади. Айни пайтда жами 42 та мактабда киргиз тилида таълим берилмоқда ва уларда 7859 нафар ўғил-қиз таълим оляпти.

Ёш шоиранинг китоби хорижда чоп этилди

Избоскан туманининг Чўнбоғи қишлоғида яшовчи Турсунли Ашуралиева бу йил коллежини тамомлади. Ёш бўлишига қарамай, шеърини бир қанча ютуқларга эга. Яқинда Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон Республикалари ёш иқдорлари ўртасида ўтказилган халқаро танловда голиб чиқди.

— Мумтоз адабиётни севганим боис кўпроқ газал ёзишни ёқтираман, — дейди ёш шоира суҳбатда. — Ёзувчилар уюшмаси Андихон вилояти бўлими қошидаги "Бобур издошлари" адабий тўғарағида бу борадаги билимларимни мустақамлаб юзмамлик билан намойиш қилдим.

Жорий йилнинг апрель ойи-

да ёш шоиранинг шеърини тўплами АҚШнинг Аризона штатида нашрдан чиқди. Қуни кенга эса Англияда унинг "Она дуоси" номли тўплами минг нусхада босмадан чиқди. Бу унинг инглиз тилида ўқувчиларга ҳавола этилган учинчи тўпламидир.

Саминхон ХУСАНОВ («Халқ сўзи»).

Боғотлик болажонларга муносиб туҳфа

Боғот туманидаги Ашхобод маҳалласида 120 ўринга мўлжалланган нодавлат мактабгача таълим муассасаси фойдаланишга топширилди.

Бунёдкорлик

Бу ерда таълим-тарбия ва технологияларни татбиқ жараёнига замонавий дастур

доирасида болажонларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш учун барча шароит яратилган.

Боғот туманида боғча ёшидаги болалар сони 12 минг 881 нафар бўлиб, уларнинг

Одилбек ОДАМБОЕВ («Халқ сўзи»).

ЭЪЛОНЛАР

Тошкент кимё-технология институтининг Шаҳрисабз филиалига

2019/2020 ўқув йили учун куйидаги фанлар бўйича профессор-ўқитувчилар танлов асосида ишга тақлиф қилинади:

- Умумий ва анорганик кимё;
— Физика;
— Математика;
— Ўзбекистон тарихи;
— Фалсафа;
— Хорижий тил;
— Рус тили;
— Муҳандислик чизма ва эскиз;
— Жисмоний тарбия ва спорт.

Суҳбатда танлов иштирокчиларининг илмий даражаси, чет тилини билиши ҳамда педагогик маҳоратига алоҳида эътибор қаратилади ва меҳнат шартномаси 1 йилга тузилади.

Манзил: Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 20-уй. Собик Шаҳрисабз енгил саннат ва хизмат кўрсатиш касб-хунаро коллежи биноси.

Тошкент кимё-технология институтининг Янгийер филиалига

2019/2020 ўқув йили учун куйидаги фанлар бўйича профессор-ўқитувчилар танлов асосида ишга тақлиф қилинади:

- Умумий ва анорганик кимё;
— Физика;
— Математика;
— Ўзбекистон тарихи;
— Фалсафа;
— Хорижий тил;
— Рус тили;
— Муҳандислик чизма ва эскиз;
— Жисмоний тарбия ва спорт.

Суҳбатда танлов иштирокчиларининг илмий даражаси, чет тилини билиши ҳамда педагогик маҳоратига алоҳида эътибор қаратилади ва меҳнат шартномаси 1 йилга тузилади.

Манзил: Сирдарё вилояти, Янгийер шаҳри, Тинчлик кўчаси, 1-уй. Собик Янгийер қурилиш ва коммунал хўжалик касб-хунаро коллежи биноси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2019 ЙИЛ 8 ИЮНДАН 14 ИЮНГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ.

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 27 майдаги 22-2019-қ/к-сон, 79-сон "Аёллар меҳнати тўлиқ ёки қисман қўлланлиши тақиқланадиган меҳнат шароити ноқулай бўлган ишлар рўйхатини ўз қунини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги қарори.
2019 йил 10 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 865-1. (2019 йил 10 июндан кучга кирди).
2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруvinинг 2019 йил 18 майдаги 11/8-сон "Тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида депозитга ўтказилмаган мажбурий резервлар тўғрисидаги низомага ўзгаришлар ва қўшимча киритиш ҳақида"ги қарори.
2019 йил 11 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1323-7. (2019 йил 11 июндан кучга кирди).
3. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Иқтисодийёт ва саннат вазирлиги, Молия вазирлигининг 2019 йил

31 майдаги 5, 13, 69-сон "Янги ерларни сўғориш ва ўзлаштириш қиймати, лалми шудгор ва сугорилмайдиган кўп йиллик дарахзорлар оlib қўйилганда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ушбу қийматини инобатга олиб ҳисобланган микдори ҳамда пичанзорлар ва яйловлар ҳолатини тубдан яхшилаш қийматини индексация қилиш ҳақида"ги қарори.
2019 йил 10 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3166. (2019 йил 10 июндан кучга кирди).
4. Ўзбекистон Республикаси акборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2019 йил 27 майдаги 198-сон "Умумий фойдаланиш телекоммуникация тармоғида телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларига ўзгаришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги буйруғи.
2019 йил 11 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1323-7. (2019 йил 11 июндан кучга кирди).
5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлигининг 2019 йил 27 майдаги 77, 65-сон "Амбулаторияда даволанишда имтиёзли та-

минлаш учун мўлжалланган дори воситаларининг рўйхатига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қарори.

2019 йил 11 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2522-2. (2019 йил 11 июндан кучга кирди).

6. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлигининг 2019 йил 1 июндаги 9-мқ-сон "Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсонли бўлган ўқувчиларни бир ихтисослаштирилган таълим муассасасига (уйғунлашган) шароитда таълим олиши учун умумтаълим муассасасига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомага ўзгаришлар киритиш ҳақида"ги қарори.

2019 йил 11 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2685-1. (2019 йил 11 июндан кучга кирди).

7. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2019 йил 3 июндаги 23-2019-Б-сон "Чет тили бўйича малака имтиҳонига иштирок этиш қийматининг чекланган даражасини белгилаш тартифини тасдиқлаш ҳақида"ги қарори.

2019 йил 11 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3167. (2019 йил 12 июндан кучга кирди).

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2019 йил 31 майдаги 265/7-сон "Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисидаги низоимнинг 5-бандига ўзгариш киритиш ҳақида"ги қарори.

2019 йил 12 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 987-1. (2019 йил 12 июндан кучга кирди).

9. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлигининг 2019 йил 12 июндаги 253-мқ-сон "Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида"ги буйруғи.

2019 йил 12 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2894-2. (2019 йил 12 июндан кучга кирди).

10. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлигининг 2019 йил 12 июндаги 254-мқ-сон "Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида"ги буйруғи.

2019 йил 12 июнда рўйхат-

дан ўтказилди, рўйхат рақами 2741-1. (2019 йил 12 июндан кучга кирди).

11. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг 2019 йил 4 майдаги 120-сон "Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги буйруғи.

2019 йил 13 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2358-2. (2019 йил 13 июндан кучга кирди).

12. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг 2019 йил 4 майдаги 121-сон "Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги буйруғи.

2019 йил 13 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2804-2. (2019 йил 13 июндан кучга кирди).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, Соғлиқни сақ-

лаш вазирлиги томонидан тасдиқланган Аёллар меҳнати тўлиқ ёки қисман қўлланлиши тақиқланадиган меҳнат шароити ноқулай бўлган ишлар рўйхати (рўйхат рақами 865, 2000 йил 5 январь).

Адлия вазирлигининг 2019 йил 10 июндаги 245-мқ

СОЗ БИЛАН СУҲБАТНИ ЁЛҒОН ДЕМАНГЛАР...



Бугунги кунда Президентимиз томонидан бахшичилик санъатига алоҳида эътибор қаратилиб, Термиз шаҳрида халқаро бахшичилик санъати фестивалининг кўтаринки руҳда ўтказилгани, мазкур нуфузли анжуман доирасида халқаро илмий-амалий конференция ташкил этилиши ана шу соғинч ва нажот йўллари билан бири сари дадил одим ташлаётганимизнинг далилидир.

Давлатимиз раҳбарининг "Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чоратadbirlari тўғрисида"ги қарори мамлакатимизда маънавий кадрларимизнинг аҳамиятини янада юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилганидан далолат. Ушбу қарорда Республика Бахшичилик санъати маркази ва Бахшичилик санъатини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш кўзда тутилган. Мазкур ҳужжат асосида бахшичилик санъатининг илмий-назарий, амалий асосларини чуқур ўрганиш, мустаҳкамлаш, бахши-шоирлар, фольклоршунос олимлар, ўқитувчи, мутахассисларнинг ижодий-илмий фаолиятини қўллаб-қув-

ватлаш, Маданият вазирлиги тизимидаги муассасаларни ушбу ноёб санъатга оид зарур адабиётлар, ўқув қўлланмалари, даврий нашрлар билан таъминлаш, илмий тадқиқотлар, нашр ишлари ҳамда комплекс илмий экспедицияларни молиялаштириш борасидаги тadbirlar янги босқичда давом эттирилади. Гўё "Гўрўғли" дostonларидан бирида тасvирланганидек, бу кўхна санъат қайта жонланиб, асл қадрини топди.

"Гўрўғлининг гойиб бўлиши" дostonининг Лақаи вариантыга шундай бир афсона сингдириб юборилган. Гўрўғли юз йигирма ёшга етиб, "Энди бизнинг даврон ўтди", деб Таваккал горига кириб, гойиб бўлади. Йиллар айланиб, кўп даврлар ўтибди. Бахшиларнинг "Гўрўғли" дostonларини куйлагани алпнинг кўкайига бориб турар экан. Замонлардан замон алмашиб, Амир Темур етти икклимини олгач, бахшилар куйлаган Торкстон, Эрам бог, Кўхи Қофни излаб, топмабди. Шунда сохибқирон барча бахшини тўплаб: "Сиз Гўрўғли, деб ёлгон айтган экансиз. Торкстон, Эрам бог, Кўхи Қоф йўқ экан, Гўрўғлиям йўқ

экан. Бошқа бу ёлгон сўзни куйламайсиз", деб ҳамма бахшини зиндонга солибди. Бу гап гор тубида ётган Гўрўғлига гойибдан маълум бўлибди. Гўрўғли: "Ё Ҳақ, мен ўзингдан дунё охир бўлгунча номим қолсин, деб тилаганман. Амир Темур мени таърифловчи қишларим — бахшиларимни зиндондан қилди, ёлгончига чиқарди. Менга Фиротим ҳозир бўлса, шохга бир кўриниб келсам", деб сўрабди. Худонинг амри билан, ёбу тусли, ёллари ерга судралган Фирот тупроқдан кўтарилибди. Фиротнинг буйнига "Бу Фирот, эгаси Гўрўғли", деган тилло лавҳ осилган эмиш. Амир Темур аскарлари билан Қизилқумда машқ қилаётган экан. Сохибқирон қараса, соқоли белига етган бир киши келибди, отининг ҳам ёли тиззасидан ўтар эмиш. Улуг шох бу одамнинг Гўрўғли эканига ишонмабди.

Гўрўғли Амир Темур билан: "Мен олдинга келаман, аскаринг бир донга ўқ отолмайди", деб шартлашибди. Гўрўғли қирининг панасига ўтиб: "Ё Ҳақ, ҳам аввал, ҳам охир, дегансан. Фарзандинг қолмасин, сендан ном қолсин, деб ваъда бергансан. Энди тилагимни қабул қил", дебди. Худонинг амри билан Гўрўғли йағирма беш яшар йигит, Фирот етти ёшга кирган от бўлибди. Фирот тароққос бўйлаб, сўксурдай ўйнаб, сувлигини чайнаб, хизматинга тайёрман, деб турибди. Гўрўғли отининг жловини ушлаб, яшин унгандай осмонга кўтарилиб, Амир Темурнинг олдида пайдо бўлибди, аскарлар сезмай ҳам қолишибди. Шох

алпнинг гап-сўзига ишонибди. Жарчи кўйиб: "Ким "Гўрўғли" дostonини айтса, унинг улушини бериб, вақтини хушлаймаман", деб элга овоза қилибди. Бахшиларни озод этиб, "Сиз Гўрўғли таърифнинг юздан бирини ҳам айтмас экансиз, ҳалиям таъриф кам экан, яхшилаб айтинг", деб тайинлабди. Гўрўғли яна Таваккал горига қайтибди. Шу-шу дostonлар кенг тарқалиб, бахшиларни подшоҳлар ҳурмат қилиб, эъзозлайдиган бўлибди.

лар қувонади. Ногоҳ чавандознинг оти суринаса, улоқ рақибда кетса, ишқибозлар ич уриб, афсус чекади. Рақиб полвоннинг кучи, интилиши уларга сезилмайди. Ишқибозликнинг тамойили — шу. Ишқибоз ҳеч қачон холис бўла олмайди. Ишқибозки бор, ўз отининг ўзишини истабди. "Алломиш" дostonида Бобоҳон тоғидан пойғачиларнинг келишини илҳақ кутиб турган ишқибозлар кўзига от қораси кўрингандаги ҳолат буни аниқ тасvирлаган:

Бойчибор, деб ўзбек хуррам бўлади, Кўкдўнон, деб жами қалмоқ қаради.

Кашалда синиққан кўнглидан бирдек ўтказиб тасvирлаш — асл санъатнинг иши. Бахши ана шундай санъаткор. Санъат ишқибозликдан баланд макомда туради. Алштирокчи — ишқибоз. Томошабин — ишқибоз. Ўқувчи, тингловчи — ишқибоз. Бахши ишқибоз бўла олмайди. Бахши ҳамманинг ёғида баробар қоврилади.

Юзга яқин "Гўрўғли" туркум дostonлари, "Алломиш", "Кунтуғмиш", "Русатхон", "Ошиқ Фариб ва Шоҳсанам",

Бугунги кунда замон тезлашиб, фикрлаш ўрнини ахборот алмашиш эгаллаб олаётган бир даврда халқ маънавиятининг ажралмас қисми бўлган бахшичилик санъати ҳам ноёб ҳодисага айланмоқда. Фольклорда профессионал ижро йўқолган муҳитда уларнинг ўрни ҳам унутилади. Шундай экан, эпоснинг табиий ижро жараёни сақлиб турган юртимизда кўхна меросни асраб қолиш йўлидаги барча ҳаракат қўллаб-қувватлашга, таҳсинга лойиқдир.

"Тоҳир ва Зухра" каби яна эллиқдан ортиқ эпик намуналарни куйлаб, авлодлардан-авлодларга маънавий мерос қилиб етказиб келаётган санъаткор меҳнати ҳамisha эъзозга муносиб.

Ҳар касбнинг ўз эрланлари, пирлари бўлади. Бахшилар ҳам ўз касбининг ибтидосини илоҳиятга, сонинг муқаддаслигига, сўз мулкнинг шажарасини Ҳазрати Хизрга, Қўрқут отага, Кўр Фойибу Ошиқ Ойдинларга боғлашади. Бахшининг:

Соз билан суҳбатни ёлгон деманглар, Одам ато бунёд бўлганда бордир. Хобил, Қобил аносининг қоринида, Алар ҳам дунёга геланда бордир,

деб куйлаши бежиз эмас. Халқ орасида деярли барча дондор бахши-шоир ҳаётда улуг пирлар билан учрашиб, санъат сирларини эгаллагани ҳақидаги ривоятларга дуч келамиз. Айтишларича, Эргаш Жуманбулбулнинг ҳам етти ёшлиғида тушига оқ соқоли, оқ тўли мўйсифид кириб, "Болам манглайингга, берайми танглайингга?", деб сўраган экан. Шунда болақай қорни оч бўлгандан "танглайимга", дебди. Чол эса "ол", деб танглайга туфлабди. Шундан бола оғзи кўприб, қўшиқ айтиб уйғониб, булбулдай овозли бахши — Эргаш Жуманбулбул бўлибди. Бу хил нақллари Шанқай жиров, Бўзчи шоир, Пулкан шоирларга ҳам нисбат беришади.

Шомирза ТУРДИМОВ,
филология фанлари доктори.

Бахшичилик — ноёб санъат. Асл санъат аҳлига қўйиладиган барча талаб бахшининг амалида, у куйлаган дostonу термаларда ойдек намоен бўлади.

Афсонадан хулоса шуки, чинакам юрт эгаси ижод аҳли, уларнинг эзгуликка камарбаста сўзининг қадрини, "Бахшилик эл ботир" бўлишини билади, муътабар тутати. Сохибқирон Амир Темур ҳам дostonларда халқнинг асрий тажрибалари, қадриятлари, эзгуликка эргашиб, ёвузликнинг қасди бўлиб майдонга чикувчи улуг зотлар ҳаёти куйланишини англаган.

Дарҳақиқат, бахшичилик — ноёб санъат. Асл санъат аҳлига қўйиладиган барча талаб бахшининг амалида, у куйлаган дostonу термаларда ойдек намоен бўлади. Одатда, кўпқарида чавандоз улоқ айириб, соврин олса, яқинлари қанча-

РЕКЛАМА

QQB | 25 йил
QISHLOQQURILISHBANK

Миллий валютадаги муддатли «Юбилей» омонатини таклиф этамиз.

Омонатга маблағлар:
— 2019 йилнинг 2 августидан;
— 25 ойга қабул қилинади.
Омонатнинг юқори миқдори — 25 000 000 сўм.
Омонат фоизи — йиллик 22 %.
Ҳисобланган фоиз тўловлари ҳар ойда амалга оширилади.
«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!
Тел. 78-150-72-58, 78-150-93-39. www.qqb.uz
Хизматлар лицензияланган.

«World» ишлаб чиқариш компаниясининг Ўзбекистондаги расмий дилери
«FPI DELIVERY SERVICE» МЧЖ
қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган, мош, шол, нўхат ва бошқа шу каби экинлар ҳосилини йиғадиган
«WORLD» русумли комбайн ва тракторларни буюртма асосида, завод нархида етказиб беради.
Махсулот сертификатланган.
Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам 7-тор кўчаси, 52-уй.
Тел.: 90-986-80-68, 90-968-56-77, 90-989-09-62.

ПРОФНАСТИЛ
ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ Сизга куйидаги махсулотларни такдим этади:
Гальванизацияланган ва полимер қопламали ПРОФИЛАНГАН ЛИСТ
гофраси баландлиги: С-17, С-18, Н-35, Н-57.
Профнастил учун материал сифатида ролондан кесилган гальванизацияланган ва полимер махсулотдан фойдаланилади.
Россия Федерацияси металлургия комбинатларида ишлаб чиқарилган.
ГАЛЬВАНИЗАЦИЯЛАНГАН ПРОФНАСТИЛ
• 0,4 мм. — 40 000 сўм/п.м. • 0,5 мм. — 48 000 сўм/п.м.
• 0,45 мм. — 43 000 сўм/п.м. • 0,7 мм. — 68 000 сўм/п.м.
ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПРОФНАСТИЛ
• RAL 3003, 3005, 8017, 9003 0,45 мм. — 52 200 сўм/п.м.
• RAL 3005, 6005, 8017 0,5 мм. — 56 000 сўм/п.м.
Махсулотлар сертификатланган.
Тел.: (+998) 99 535-00-65, (+998) 95 197-00-93, (+998) 99 871-88-99

ООО «Palladium Technology»
ПРОИЗВОДИТЕЛЬ СИНТЕТИЧЕСКИХ ПЕНООБРАЗОВАТЕЛЕЙ ДЛЯ ТУШЕНИЯ ПОЖАРОВ
ПЕНООБРАЗОВАТЕЛИ
Реализует пленкообразующие пенообразователи марки AFFF
тип ПО-6АЗФ«IRBIS» тип ПО-6WA(S)«IRBIS»
для целевого назначения для общего назначения
93-530-44-44, 99-880-88-08

Халқ сўзи Народное слово
Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 756. 52 427 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.
Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-233-52-55; Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.
Таҳририятга келган кўлабмақал тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилади.
Газетанинг сўзсиз берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.
• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Д. Солиқов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.
"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. Ўза яқини — 22.35 Топширилди — 23.10 1 2 3 4 5 6